
Риштонда "Оналарга эҳтиром" фестивали бўлиб ўтди

Риштон туманидаги истироҳат боғидаги «Гномик» кафесида "Оналарга эҳтиром" фестивалининг туман босқичи бўлиб ўтди. Туман секторлари раҳбарлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтган тадбирга 71 та маҳалла фуқаролар йиғинидан келган онахонлар таклиф этилди. Улар учун махсус автомашиналар ҳозирланиб, истироҳат боғида карнай-сурнай садолари остида кутиб олинди.

Онахонлар юртга тинчлик, дастурхонларга тўкинлик тилаб, дуога қўл очдилар. Фестиваль доирасида 24 та номинациялар бўйича ўтказилган кўрик-танловларда ғолиб бўлган онахонларга қимматбаҳо совғалар ва гулдасталар топширилди. Санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури эса йиғилганларга янада кўтаринкилик бағишлади.

Риштон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-05-21 05:42:02